



# O'ZBEKISTON OVOZI

## Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



**Миллий армия- миз сарҳадларимиз дахласизлиги, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги, эл-юртимиз тинчлигининг мустақам қалқонидир.**



**Мустақиллик фарзандлари... Буларнинг толен, бахту иқболдан ҳади олданда. Она Ўзбекистонимиз каби фарзандларимизнинг ҳам келажаги буюқдир.**




**Кимки бизнинг шон-шухратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин!**



**Сен шоҳлари осмонларга тегиб турган чинорим... қўйнимдаги ифтихорим, бўйнимдаги туморим, ўзинг меннинг улуғлардан, улуғимсан ВАТАНИМ!**

## «Темур тузуқлари»нинг янги нашри



**Маълумки, улуғ аждодимиз Амир Темурнинг «Темур тузуқлари» асари мустақиллик йилларида миллий маданий меросимизнинг ноёб намунаси сифатида қайта тикланиб, бир неча бор нашр қилинди. Сохибкироннинг 675 йиллик таваллуд тўйи арафасида Юртбошимиз таклифига кўра, бу китоб мукамал ҳолда, юксак сифат билан янгитдан чоп этилди. Халқаро Амир Темур жамғармаси ва Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номдаги Шарқшунослик институти томонидан нашрга тайёрланган китоб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг сўзбошиси билан очилади. Кўйида ана шу сўзбоши эътиборингизга ҳавола этилмоқда.**

## МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИНИНГ МУМТОЗ НАМУНАСИ

Бугунги куннинг ўткир ва долзарб муаммолари биздан замонавий тараққиётнинг асосий тамойилларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш билан бирга, инсониятнинг яқин-олис тарихидаги бой тажрибасини ҳам теран идрок этишни, шу асосда амалий хулосалар чиқаришни тақозо этмоқда, яъни тарих тажрибаси одамзод учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи ҳам ана шундай буюк тажрибалар манбаидир. Бу тарихнинг энг ёрқин ва шонли саҳифаларини ташкил этадиган улуғ аждодларимиз ҳақида сўз борганда, буюк давлат арбоби ва саркарда, сохибкирон Амир Темур бобомизнинг ўлмас номи биринчилар қатори тилга олишимиз табиий, албатта. Мана, қарийб етти асрдирки, бу улуғ зотнинг шону шухрати, ҳаёти ва фаолиятига бўлган ҳақиқат жажониинг турли мамлакатларида тибора ортиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, улуғ аждодимизнинг ўзи яшаган замонга, шу даврда Осиё ва Европа қитъаларида руй берган, жуда катта тарихий аҳамиятга мўлик ўзгаришларга олиб келган воқеа-ҳодисаларга ҳал қилувчи таъсири, унинг бу жараёнлардаги роли наинки тарихчи ва сиёсатчи, ҳарбий илм мутахассислари, балки баъдий ижод аҳлининг ҳам диққат-эътиборини ҳали-ҳамон ўзига жалб этиб келмоқда.

Бу беназир зотнинг қандай миллий замин ва тарихий шароитда ўсиб-улғайгани, қай тарих шундай юксак чўққиларга кўтарилгани, зафарли юришлари ҳақида, унинг нафақат давлат арбоби ва енгилмас саркарда, айни вақтда инсон сифатидаги фазилатлари, ички дунёси ва кечинмалари ҳақида Шарқ давлатлари билан бирга олиб Европада — Буюк Британия, Франция, Испания, Германия каби мамлакатларда ҳам бундан неча оз йиллар аввал кўп-кўп илмий ва баъдий асарлар яратилгани яши маълум.

Чунинки, Амир Темур бобомиз ҳақида инглиз драматурги Кристофер Марлоу 1588 йили тарихий пьеса, машҳур немис композитори Георг Гендель 1724 йили опера, америкалик адиб Эдгар По эса 1827 йили шеърли поэма яратган. Ва бундай асарлар бугунги кунда ҳам кўплаб пайдо бўлмоқда. Франциялик танлиқли олим Люсьен Керен томонидан 2006 йили халқаро миқёсда кенг нишонланган Сохибкироннинг 670 йиллик таваллуд тўйи арафасида Парижда француз тилида нашр қилинган «Самарқандга, Амир Темур даврига саяҳат» номли фундаментал тадқиқот бу фикрнинг яқол тасдиғидир. Табиийки, бу асарларнинг барчаси улуғ бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ кўпгина масалаларга жавоб топишда, уларни тарих ва бугунги замон нуқтаи назаридан ёритишда муҳим ўрин тутади. Уларнинг ҳар бири Сохибкирон сиймоси ҳақида ўзига хос тасаввур ва тушуна беради.

Минг афсуски, мустамлақачилик йилларида, яъни миллий қадриятларимиз, азиз-авлиёларимиз ва алломаларимизнинг бой мероси, табаррук номларини халқимиз хотираси ва юрагидан бутунлай ўчиришга қаратилган сиёсат ҳукм сурган даврларда Амир Темурнинг ҳаёти

ва фаолиятини ўрганиш ўқда турсин, ҳатто унинг номи тилга олиш ҳам муқтақ тақиблаб қўйилган эди. Бу мавзуда яратилган баъзи бир илмий-баъдий асарларда Амир Темур сиймоси тарихий ҳақиқатга зид равишда биреклама, асосан қора бўёқларда акс эттирилган эди. Таассуфлар бўлсинки, сохибқ тузум даврида яратилган тарихий ва баъдий адабиётларда ҳамда уларнинг таъсирида чоп этилаётган бугунги айрим китобларда ҳам мана шундай гаразли ёндашув аломатларини хануз учратиш мумкин.

Оллоҳга шўқрки, истиқлолга эришганимиздан кейин бу масалада ҳам тарихий адолат қарор топди. Муқаддас юртимиз замининда яшаб ўтган кўплаб улуғ сиймолар қатори Амир Темур бобомизнинг номи, шаъну шавкати ва мероси ҳам қайта тикланиб, бу буюк зот ҳақидаги асл ҳақиқат ҳолис ва ҳаққоний ёритилмоқда, тадқиқотлар олиб борилмоқда, китоблар ёзилмоқда. Зеро, Амир Темур шайхони идрок этиши — тарихий идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш — ўзлгимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуглаш — тарих қаррига чуқур илдиз отган томиларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажакимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Бу ҳақда гапирганда, Амир Темурнинг давлатчилик ва дипломатия, ҳарбий маорат, бунёдкорлик салоҳияти, илму фан, санъат ва мейморчиликка оид қарашлари, ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсонни улуглайдиган эзгу ишлар ҳақида билдирган фикрлари, дину диёнат ва адолатни жойига қўйиш, салтанат ишларини кенгаш ва тадбир асосида амалга ошириш, ҳар бир масалада узоқни кўзлаб, эл манфаатини ўйлаб иш тутиш билан боғлиқ ибратли фазилатларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Айнан мана шундай масалалар Сохибкирон таваққурининг маҳсули бўлган «Темур тузуқлари» асарида ҳар томонлама аниқ, ишонарли ва таъсирчан тарзда ёритилган, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шунинг учун ҳам ўзининг беқиёс аму шижоати, мардлик ва жасорати билан Мовароуннаҳр замининда мўғул зулмига барҳам бериб, халқимизни қарамлик исқанжасидан халос этган, тарқоқ ва пастроқанда эл-улусни бирлаштириб, мустақил ва қудратли давлатга асос солган бу улуғ сиймонинг мазкур китобда ўзда этилган гоъ ва қарашлари нафақат ўз даври, балки бугунги ва келгуси авлодлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этиши беҳиз эмас.

Шаҳсан мен Сохибкирон бобомиз бизга мерос қилиб қолдирган «Тузуқлари»ни ўқисам, худдики ўзимга қандайдир катта руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ҳар бир сатри бир умр эл-юрт, салтанат ташвиши билан яшаган фидоий инсон, улкан давлат арбобининг кенг миқёсдаги ўй-фикрлари, ҳаёт ва кураш тажрибаси, мушоҳадаси, баъзан эса дардли ва изтиробли кечинмалари билан суғорилган бу асарда қандай теран маъно мужассам эканини маърифатли,

зукко китобхон яхши англайди, албатта.

Мен ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор муножаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган ҳаёт ҳикматларининг қанчалик тўғри эканига кўп бор ишон ҳосил қилганман. Масалан, «Тажрибамда кўрилганким, аъми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир», деган фикрлар бугунги кунда ҳам нақадар долзарб экани барчамизга аён. Еки у зотнинг: «Салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улушини эса қилиб билан баҳо келтириш зарур», деган кўрсатмаларида хозирги нотинч замон учун, XXI аср сиёсатдонлари учун ҳам ҳар жиҳатдан ибратли фикрлар борлигини таъкидлаш жоиз. Амир Темур бобомизнинг бундай чуқур маъноли сўзлари, айниқса, «Билаги зўр бирни, билими зўр мингинг йиқар», деган ҳикмати инсонни доимо ақл-идрок, илму маърифат асосида яшашга даъват этиши билан эътиборлидир.

Улуғ аждодимиз, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлса-да, куч-қудрат зўрлик ва зўравонликда эмас, аксинча, адолатда, ҳамжихатлик ва ҳамкорликда эканини ниҳоятда чуқур англаган. Унинг давлатни оқилона бошқариш, ўта мушкул ва имконсиз вазиятда ҳам тўғри йўл, тадбир топа олиш қобилияти, ноёб ақлавоқати ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Амир Темурдек буюк ва бетакрор сиймони ҳар томонлама тушуниш, у барпо этган қудратли салтанатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий асосларини, Сохибкироннинг давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини ўрганишда, умман айтганда, ҳаёт силларини англаб етишда «Темур тузуқлари» бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, бугунги мураккаб ва таҳликалӣ даврда бу китобни қайта-қайта мутолаа қилиш, унинг маъзини қақиш биринчи галда раҳбар, етакчи бўлишдек маъсулиятли вазифани ўз зиммасига олган одамлар учун, қолаверса, ҳар қайси зиёли инсон учун бағоят фойдали экани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожа т йўқ, деб ўйлайман.

Ишончим комилки, ёшларимиз бу китобни меҳр қўйиб, тушуниб, чуқур англаб ўқиса, уларнинг қалбида миллий гуруру туйғуси юксалади, ўзининг қандай буюк зотларнинг авлоди эканини янада чуқурроқ ҳис этиб, ҳаётнинг ҳар қандай синово ва қийинчиликларини енгилшга қодир инсонлар бўлиб воъяга этади.

Шу маънода, «Темур тузуқлари» китобининг мамлакатимизда она тилимизда янгитдан юксак сифат билан чоп этилиши, ҳаётнинг қайта-қайта мутолаа қилиш, унинг маъзини қақиш биринчи галда раҳбар, етакчи бўлишдек маъсулиятли вазифани ўз зиммасига олган одамлар учун, қолаверса, ҳар қайси зиёли инсон учун бағоят фойдали экани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожа т йўқ, деб ўйлайман.

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари



## Концепцияни ҳаётга татбиқ этиш

партия ташкилотлари ва депутатлардан янада фаоллик ва катта маъсулиятни талаб этади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгашининг VI пленуми бошланишидан олдин бир гуруҳ партиядошларнинг мулоқоти қизгин кечяётганига гувоҳ бўлдик.

— Президентимиз илгари сурган Концепция мазмун-моҳиятини ўрганиш, унда акс этган гоъ ва қатор қонунчилик ташаббусларини амалга оширишда партияимизни ташкилотлари ва биз депутатларнинг фаол иштироки гоътада муҳим, — дейди **ЎзХДП Жалақудуқ туман кенгаши раиси Абдумутал Қурбонов**. — Шунинг учун пленумда бу масала алоҳида муҳокама этилади. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги қонун мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг демократик асосларини мустаҳкамлашда долзарб аҳамият касб этади. Мазкур қонун партияимиз барча ташкилотларининг фаолиятини ҳар жиҳатдан ривож-

лантириш, электорат манфаатларига хизмат қилувчи ташаббуслар билан чиқиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш учун янги шароит, янги имкониятлар яратмоқда.

Пленумда Андижон вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутаты Муҳаммаджон Йўлдошев, «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Абдумутал Абдуллаев кун тартибидagi масалалар аҳамияти ва моҳияти, партия ташкилотлари, депутатлар олдида турган вазифалар ҳақида тўхталлиши.

Юртбошимиз илгари сурган Концепцияни ҳаётга татбиқ этишда партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар ҳамда

фаоллар олдида турган устувор вазифаларни самарали бажаришга доир таклифлар билдирилди. ЎзХДП вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотлари, барча даражадаги депутатларнинг электоратини ўйлантриётган масалаларни ҳал қилиш бўйича ҳамкорлигини янада ривожлантириш лозимлиги таъкидланди. Бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар танқид қилинди. Фаолияти суст партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ишини кучайтириш учун зарур тавсиялар берилди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева қатнашди ва муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Оммавий ахборот воситалари

жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг муҳим институти



**Назира МАТЯҚУБОВА,** Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Президентимиз илгари сурган Концепцияда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилди. Унда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустақам алоқа ўрнатиш борасидаги таъсирини кучайтиришнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш мақсадида қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

## Ҳушёрликка даъват

Мамлакатимиз истиқлол йилларида эришган улкан ютуқларини бутун дунёга намоён қилган ҳолда тараққиёт йўлидан дадил бормоқда. Конституция- мизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлаш жамиятимизни ислоҳ этишнинг устувор йўналишлари сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. Халқимиз қўлга киритаётган барча муваффақиятларга мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик тўғрисида эришилмоқда.



КОНЦЕПЦИЯ

Демократик ислохотларнинг янги босқичида сиёсий партиялар мамлакат равнақиға қаратилган ташаббуслар кўрсатиши, уларни амалга ошириш бўйича амалий ҳаракат қилиши зарур.

Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг муҳим институти

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бунда, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан муносабатларини кўриб чиқиш мuddатини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ҳамда бошқа чора-тадбирлар, шунингдек, ҳуқуқий механизм

та масъулият талаб этади. Чунки, бугун фуқаролар фақат ахборот олиш билан чекланаётгани йўқ, балки мамлакатда ёки дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, ҳаётдаги муаммолар ечими бўйича ўз муносабатини билдириб, ОАВга муурожаат қилмоқда. Аҳоли ўртасида ўз шахсий фикри ва муносабатини эркин ифода этиш истаги кучайиб бормоқда. Бу — демократик жамият барпо этишнинг муҳим шарт-

ни, марказда ва жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши юзасидан жамоатчилик назоратини олиб боришнинг энг самарали воситаси бу — оммавий ахборот воситалари экани барчага аён. Тўғри, жамоатчилик назоратини амалга оширувчи фуқаролик жамиятининг бошқа институти ҳам бор. Аммо ОАВ фаолиятининг очик ва ошкоралиги, масалани кенг жамоатчилик муҳокамасига олиб чи-

жамоатчилик назоратини амалга оширишда бунинг самараси сезилаётганини таъкидлаш лозим, албатта. Бундай муаммоларнинг кўпчилиги ижро ҳокимияти тузилмалари ваколатлари доирасида, уларнинг масъулиятини ошириш орқали ҳал этилиши мумкин.

ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситалари шу каби ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини самарали олиб бориши учун, авваламбор, ҳокимият органлари фаолиятининг очиклиги ва ошкоралиги таъминлаши зарур. Концепцияда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»-ги Қонунни қабул қилиш масаласи уртага ташланган. Айни пайтда бу борада амалий ишлар бошлаб юборилган.

Ҳозирги пайтда нафақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, балки амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва модернизациялаш жараёнларида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ниҳоятда каттадир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг 2011 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишларида ҳам электоратни ташвишлантираётган шундай ижтимоий-иқтисодий масалаларни чуқур ўрганиш, уларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар кўришга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, маҳаллий идоралар ва корхоналар раҳбарларининг аҳоли, жумладан, касб-хунар коллежалари битирувчиларини ўз соҳаси бўйича иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келаётган кишилар учун янги иш ўринлари ташкил қилиш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялашнинг самарасини ошириш, коммунал хизматлар таннаригини муҳофаза қилиш ҳамда муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижроси устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда, аввало, партия нашрларидан, шунингдек, бошқа оммавий ахборот воситаларининг янада кенг фойдаланиши зарур. Зеро, бундай ҳамкорликдан партия ҳам, ОАВ ҳам, энг муҳими, жамият катта манфаат кўради.

**Парламент қабул қилаётган қонунлар ва ҳукумат қарорларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қандай бажарилаётгани, марказда ва жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши юзасидан жамоатчилик назоратини олиб боришнинг энг самарали воситаси бу — оммавий ахборот воситалари экани барчага аён.**

устида иш олиб бориш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Буларнинг амалга ошиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоатчилик ҳамда парламент назоратини олиб боришда оммавий ахборот воситаларининг мавқеини янада кучайтиради. Шу билан бирга, уларнинг фақат ахборот тарқатувчи эмас, балки фуқаролик жамияти институтиларидан бири сифатида ўз ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Шу боис ҳам ҳар бир сиёсий партия қонун ижодкорлиги, шунингдек, парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнида ўз электорати манфаатлари ва ўзининг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб иштарок этади, у оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликка ҳам шу нуқтаи назардан ёндашади. Бундан ташқари, парламент қабул қилаётган қонунлар ва ҳукумат қарорларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қандай бажарилаётгани билан улардан фарқланади.

Бу эса ўз навбатида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини келтириб чиқаради. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар ижросини таъминлаш борасидаги масъулиятини кучайтиради.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами кўлаб-қувватлаш, бандлик даражасини ошириш, ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш ва бошқа масалалар юзасидан

Фуқаролик жамияти институтлари ривожланиши манфаатлар мувозанатини мустаҳкамлашга хизмат қилади

Раимберган САБУРОВ,

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари.



Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида давлатнинг раҳбари томонидан эълон қилинган Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари тамойили бугун биз кўлга киритган улкан ютуқлар ва марраларнинг замини бўлиб хизмат қилмоқда. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурилган ғоя ва қонунчилик ташаббуслари эса бу жараённи янги босқичга кўтариб, мамлакатимиз ҳаётида тарихий бурилиш даврини бошлаб беради.

сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва дунёқароши юксалиши фуқаролик жамияти институтиларининг кўпайиши ва такомиллашишига таянади.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтилари шаклланиб, уларнинг фаолияти тобора такомиллашиб бормоқда. Жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, миллий-маданий марказлар, ихтиёрий кўнгилли жамиятлар, жамоатчилик фирмини ўрганиш институтилари, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар фаолиятининг асослари ва кафолатлари тегишли қонунларимиз билан мустаҳкамланган.

Конституцияимизнинг 58-моддасида давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаши, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериши қатъий белгилаб қўйилган. Шу тамойил асосида бошқа тегишли қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтиларининг фаолигини таъминлашда амалий қадам бўлди.

**«Фуқаролик институтилари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланишда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратилмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда», дея таъкидлади Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида.**

Кейинги йилларда сиёсий партияларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди, уларнинг имкониятлари кенгайтирилди. 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган «Давлат бошқарувини янгилас ва янада демократлаштириш ҳамда

мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»-ги Конституциявий қонуннинг қучга кириши мамлакатни янгилас ва демократлаштириш, фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги мақсадларга изчиллик билан эришишда сиёсий партияларнинг иштирокини кучайтиришга хизмат қилди.

**Давлатимиз раҳбари ишлаб чиққан Концепцияга юртимиз тараққийнинг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятини бошқа институтилари мавқеини янада кучайтиришга асос бўладиған қатор қонунлар қабул қилиши, амалдаги қонунларга давр тақозо этаётган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ғояси илгари сурилди.**

Унга кўра, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида» қонун ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоат, фуқаролик институтилари назоратини амалга оширишнинг самарали ҳуқуқий механизмининг яратишга хизмат қилади. Жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаб қўйиш имконини беради.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини қонунийликни мустаҳкамлашга, жамият ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга олиб келади.

Аввало, бунда жамият ва шахс манфаатларининг устуңлиги таъминланади. Жамоатчилик назоратининг кенг қамровли бўлиши, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилиши мумкинлиги ҳамда бу жараён, унинг натижалари барча учун очик оидинлиги кучли фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси ва таънинчидир.

Концепция асосида амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишлар ана шундай фаровон жамият барпо этиш асосини янада мустаҳкамлайди. Шу орқали, энг муҳими, ҳар бир инсон ўз салоҳияти ва имкониятларини тўлиқ юзасига чиқаради, эл-юрт манфаати, она Ватанимиз равнақиға муносиб хисса қўшади.

Сайловолди ташвиқотида

барчага тенг шароит яратиш механизми янада такомиллашади



Сирожддин АБЗАМОВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»-ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида»-ги қонунларга мувофиқ, сайловолди ташвиқоти Марказий сайлов комиссияси, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси депутатликка номзодларни рўйхатга олган кундан бошланади.

Депутатликка номзодларнинг сайловолди кампанияси самарали ташкил этиши, хусусан, ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари, бу борада партиянинг сайловолди дастурида белгиланган позицияни жамоатчиликка етказишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс.

Маълумки, сайловолди кампаниясида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби Марказий ва тегишли вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда белгила-

номзодларига шароит яратиш ҳақидаги меъёрни ҳаракатга келтирадиган механизмни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш зарур.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, амалдаги қонунларимизда сайловолди ташвиқотини атайин ёритмаганлик ёки етарли даражада ёритмаганлик учун жавобгарлик белгиленмаган. Бу эса сайловолди жараёнида оммавий ахборот воситаларининг иштироки сувайишини келтириб чиқаради.

Президентимиз илгари сурган Концепцияда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилгани айнан ана шу каби муаммоларнинг олдини олишга қаратилган, деб ўйлайман.

Мамлакатимиз раҳбари сайловолди ташвиқоти тушунчасига аниқ таъриф бериш, бундай ташвиқотни олиб бориш шартлари, шакл ҳамда усулларини қонун йўли билан белгилаб қўйиш масаласини ўртага қўйди. Демак, биз маҳаллий Кенгашиларга сайловолди ташвиқотида номзодларнинг чиқишига қулай ва тенг шароит яратиш бўйича ноаниқликларга йўл қўйилган эди. Бу ҳолат жорий йил 13 март кунги халқ депутатлари вилоят Кенгашида бўшаган учта ўринга ўтказилган сайлов вақтида яна такрорланди.

Бундан шундай хулоса чиқарилади, сайловолди ташвиқоти даврида барча сиёсий партиялар ҳамда уларнинг

Ёш сиёсатчилар Концепцияни ўрганишмоқда

Партияимизнинг «Истикбол» ёшлар қаноти Қорақалпоғистон республика бўлими ташаббуси билан «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг ўрни» мавзуда семинар-тренинг бўлиб ўтди.


Унда Президентимиз илгари сурган Концепцияга мазмун-моҳияти, тақриф этилган қатор қонунчилик ташаббусларининг ҳаётимиздаги аҳамиятини, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш масалалари муҳокама этилди.

Концепцияда давлат ҳокимияти тизимини демократлаштириш, айниқса, парламент ва сиёсий партияларнинг мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. — деди Қорақалпоғистон республика партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Қувватбой Курбонбоев. — Айни пайтда, фуқаролик жамияти институтилари ва ОАВнинг ривожини қўллашда қатор ваазифалар белгиланган. Ушбу ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиш ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг ўзаро уйғун ривожланишига зарур шарт-шароит яратади.

Биз юртимиз тараққийоти, жамиятимиз ривожини ўрганиш учун масъулмиз, — деди «Истикбол» ёшлар қаноти Қорақалпоғистон республика бўлими етакчиси Гулмира Узақберганаева. Шу боис, Концепцияга бағишланган кўлаб семинар-тренинглар ўтказаялмиз.

Тадбирда сўзга чиққанлар, шунингдек, жамият ҳаётини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган, шу орқали «Ёш сиёсатчилар» клуби фаолиятини янада такомиллаштириш, фаол ёшлар сафини кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилади.

Билдирилган тақдир ва фикр-мулоҳазалар асосида «Истикбол» ёшлар қаноти етакчиларининг навбатдаги ваазифалари белгилаб олинди. **Рейимбой ЁШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



# Амир Темур давлати

## ХУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бироқ, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини, эришаётган ютуқларини кўролмаётганлар ҳам йўқ эмас. Турли диний-экстремистик оқимлар ва уларнинг гоёвий раҳна-молари мамлакатимиздаги реал аҳволни бузиб кўрсатишга, аҳоли, айниқса, дунёқарашли ҳали тўла шаклланмаган ёшлар ўртасида буғунчилик мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга уринмоқда.

«Хунрезлик» ҳужжатли фильмида шулар қаҳда хилоқ қилинган. Мазкур фильм «Тошкент» аэропортида юк терминалини қўриқлаш хизмати шахсий таркиби ва парвозлар кидирув-авария кутқарувини таъминлаш хизмати вакиллари эътиборига ҳавола этилди.

Фильмда 2009 йилнинг ўрталарида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, жумладан, дин вакиллари ва ҳуқуқчи муҳофиза қилиш идоралари ходимларига қарши уюштирилган бир неча суиқасд қилиш ҳолатлари аниқ ҳужжатлар ва далиллар асосида тасвирланган. Фильмда бу суиқасдлар нима учун айнан дин вакиллари ва ички ишлар ходимларига нисбатан амалга оширилгани кўрсатиб берилган.

Террорчилар гуруҳи Умар лақабли террорчи раҳбарлигида ҳаракат қилган. Кейинчалик аниқланишича, 1999 йил 16 февралдан буён кидирувда бўлган фуқаро Шавкат Махмудов ушбу сохта исм билан яшириниб юрган.

У Чеченстон ва Доғистонда кўпурчилик бўйича тайёрларидан ўтган ва Украинада ҳуқуқчи муҳофиза қилиш органларидан яшириниб юрган.

Умар 2008 йили Қозоғистон жанубидаги Чимкент шаҳрига келиб, «Яширин Жамоат» мафий кўпурчилик гуруҳини тузди.

Умар ўз ҳамтовлоқлари билан бирга Тошкентда яшайдиган айрим одамларни муайян иншоотларда террорчилик ҳаракатларини содир этиш, диний идоралар ва ҳуқуқчи муҳофиза қилиш органлари раҳбарларининг жонига қасд қилишга даъват этиб, уларнинг онгини зарарлади.

Умар ўзича мазкур «Жамоат» аъзоларини жиҳод байроғи остида ҳаракат қилиш ва ислом давлатини тузиш йўлида шаҳид бўлишга ундайди.

Улар аҳоли ўртасида ваҳима кўзгаш мақсадида таниқчи кишилар, жумладан, Қўлдош мадрасаси имомининг муовини Аббос ва Ички ишлар вазирлиғи ходими Ҳасан Асадовни ундиради, дин вакиллари Анавар Турсунов ва Исмоил Райхонова суиқасд уюштириди.

(ЎзА)

■ Тарихий манбаларнинг хабар беришича, буюк Соҳибқирон салтанатида доимий равишда иқтисодий ислоҳотлар ўтказилган. Бу эса мамлакат тараққиётига, халқаро иқтисодий алоқалар шаклланишига ва ривожига муҳим таъсир кўрсатганлигини нафақат ўзимизнинг тарихчи олимларимиз, балки хориқлик мутахассислар ҳам ҳақли равишда эътироф этишган.

### унда савдо-сотик, халқаро иқтисодий алоқалар ва тадбиркорликнинг ривожланиш тамойиллари

Амир Темур халқнинг бойиши давлат ҳазинасининг кўпайишига, ҳазинанинг тўлиши ҳарбий қўшиннинг жағоварлигига, бу эса давлат дахлсизлигига сабаб бўлади деган мақсадга таянган. Унинг фикрича, халқни хонавайрон қилиш давлат ҳазинасининг қамбағаллашишига, бу эса, сиёҳнинг тарқалиб кетишига, қўшиннинг заифлашиши, ўз навбатида салтанатнинг кучсизланишига олиб боради.

Давлатда аҳолининг қамбағал қатламига тадбиркорлик билан шуғулланиши учун шароит ва имтиёзлар яратиб бериш масаласига алоҳида аҳамият берилган. Биринчи марта тадбиркорлик қилган кишилардан уч йилгача солиқ олинмаган.

«Темур тузуқлари»да келтирилганича, сармоясиз кўлдан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайта тиклаб олиши учун ҳазинадан етарли миқдорда олтин берилиши йўлга қўйилган. Бу эса ўша замонлардаёқ Амир Темур давлатида пул-кредит тизими мавजूд бўлганлигини кўрсатади.

Бундай рағбат нафақат дехқону хунарманд балки бошқа касб эгаларига ҳам тегишли эди. Агарда қайси бир дехқоннинг ерни экишга маблағ бўлмасан уларга давлат томонидан кўмак берилган. Бу ҳақда «Темур тузуқлари»да «Дехқонлар ва раятдан қайси бирининг дехқончилик қилишга қурбни етмай қолган бўлса, унга экинчиликни учун зарур ур ва асбоб берилсин» дея таъкидланган.

Амир Темур даврида савдогарлар алоҳида нуфузли табақа ҳисобланган. Улар мамлакатнинг ички ва ташқи савдосининг ривожланишида муҳим таъсир кўчига эга бўлганлар. Шу туфайли хусусий тадбиркорлар бўлиши савдо аҳлига катта имтиёزلар яратилган ва улар: халқаро савдо билан шуғулланувчи йирик тужорлар, ўрта ва майда савдогарларга бўлинишган. Бир тарафдан улар халқ экинчиликни қондиришлари, иккинчидан, бож ва солиқлар тўлаш орқали давлатнинг иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилганлар.

Буларнинг орасида энг нуфузли тужорлар бўлиб, улар асосан, халқаро савдо ишлари билан шуғулланган. Бозорда савдо қилувчилар эса «аҳли бозор» деб юритилган, улар сотувчи савдогарлар, олиб сотарлар, чайқовчилар ва бошқа гуруҳларга бўлинган.

«Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар,

акс ҳолда (хирожни) тузуққа мувофиқ йиғинлар, яна амр қилдимки, хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг умумдорлигига қараб йиғинлар. Чунки, узлуксиз равишда қориз, булок ва дарё сув билан сугориладиган экин ерларни ҳисобга олсинлар ва ундай ерлардан олинган ҳосилнинг учдан икки хиссасини раятга, учдан бир хиссасини салтанат хазинаси учун олсинлар».

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, хирож ўша даврдаги нархга биноан нақд пул билан ҳам тўланиши мумкин эди. Агар бордию омма бунга ҳам рози бўлмаса, яна бошқа енгиллик яратувчи муқобил тўлов турлари тақдир этилган. Белгиланган тартибдан ташқари ҳеч қандай солиқ олишга йўл қўйилмаган. Шунингдек, ҳосил пишиб етилмай солиқ олиш қатъийан маъън этилган.

Бу даврда тадбиркорликнинг кенг қўламли ривожига сабаб бўлган омиллардан яна бири салтанатнинг 27 давлатни бирлаштирган йирик худудда жойлашгани, барча йирик халқаро савдо йўллари уларнинг шу ерлардан ўтганидир. Шу боис, мамлакатда иқтисодий интеграция жадваллаштирилган. Амир Темур асрлар давомида Мовароуннахр худудларидан ўтган, аммо муғуллар даврида парокандаликка юз тутган, ўз йўналишларини ўзгартириб юборган Буюк ипак йўлининг альянса ва ўзлаштирилиши кўпгина тўлиқликда ва ривожлантирилди.

Буюк ипак йўлининг энг ривожланган даври ҳам айнан Амир Темур ҳукмронлиғи йилларида туғри келди.

Амир Темур даврида халқаро савдо-сотик алоқалари ривожлантирилиб, тадбиркорликка катта имкониятлар яратилди. Унинг кўпгина Шарқ ва Фарб давлатлари ҳукмдорларига битган мактубларида ҳам, аввало, халқаро савдо-сотик ва тадбиркорларга катта имтиёзлар бериш, давлат тараққиётига айнан тадбиркорлар катта таъсир кўрсатиши алоҳида таъкидланган.

Бунга бир мисол: 1393 йил Амир Темур Бағдодга Миср ва Ливияга Сова шаҳри машойиҳлари ва улугларидан бир кишини элчи қилиб жўнатган эди. Соҳибқирон ҳар доимги одатида кўра элчи билан ҳаёда ва тўғалар ҳам жўнатди.

Элчилик мазмунига кўра, волиғия давлатларнинг азалий дўстлиги, низолари ҳақида сузлаб, ўзаро муносабатларда яхши бир тақдир киритади: «Эндиликда вазибга шулки, ҳамсоғиллик (дўстлик) ҳақиқига риоя қилиб, дўстлик эшигини очайлик, токи бундан буён ҳар икки томондан элчилар бориб-келиб турсинлар, ҳар икки мамлакат савдогарлари учун йўл очиб қўйилсин ва бу маъна халқ оёсиши

талиғига ва йўлларнинг эминлигига сабаб бўлсин». Бундай мазмунга эга бўлган мактубларни манбалардан яна кўплаб келтириш мумкин.

Амир Темур Европа давлатлари билан ҳам дипломатик алоқаларни йўлга қўйди. Ўзишмалардаги маълумотларга кўра у Европа давлатлари билан тез-тез элчилар алманишиб туришни, шунингдек, мамлакат тараққиётига хисса қўшувчи савдогарлар, яъни тадбиркорлар тоифасига катта имкониятлар яратишни кўзлаган.

У мусулмон шарқидан фарбга дўстона ниятда қўл узатган биринчи давлат арбоби эди.

Амир Темур Европа ҳукмдорларига «Сиз савдогарларнинг биз томонларга юборсангиз, токи биз уларни қизгин, барча иззатларини ўрнига қўйиб кутиб олайлик. Бизнинг савдогарларимиз Сиз томонларга борсалар ва уларга ҳам шундай иззат-иқромлар кўрсатсалар. Майли улар ҳеч қандай хавф-хатарсиз, тўсиқсиз йўл юрсинлар. Дунёнинг савдогарлар фаровон қиладилар, деган нақшни инкор этиш бефойда», деган мазмундаги хатларни юборган.

Мактуб мазмунидан англаш мумкинки, Соҳибқирон халқаро савдонини ривожлантириш учун савдогарлар ҳуқуқларини кучайтиришга ва қаролатишга, ўз навбатида бошқа давлатлар подшоҳларини ҳам бундай давлат тараққиёти учун муҳим бўлган ишга даъват этган.

Соҳибқироннинг бу хатти-ҳаракатларини бугун олимлар дипломатияда «қўл чўзиш сиёсати» деб атамоқдалар.

Амир Темур Франция қироли Шарль VI га йўллаган яна бир мактубида «Мамлакатларимиз ўртасида борди-келдини йўлга қўймоқ билан давлатларимизни зиёда қилишларини ва савдодан яхши фойда олишларини истаймиш. Дарҳақиқат, савдогарларнинг биз томонларда хавфсизлиги таъминланишини таъкидлаш жоиз», деб ёзди. Ушбу ёзишмалардан шундай хулосага келиш мумкинки, Амир Темур даврида биринчи марта Фарб ва Шарқ савдо алоқалари масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилган.

Соҳибқироннинг ушбу стратегиқ мақсад ва юзларини рўйбегачи қарорида Буюк ипак йўли гоғдат муҳим ўрин тутган.

Амир Темур Буюк ипак йўлини мустақамлаш орқали ўз давлати ва қўшни давлатларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширишга ҳам ҳаракат қилган. Унинг замонида давлатларнинг туташ минтақаларида йирик божхона постлари барпо қилинган. Булардан бири, яъни Дарбад божхонаси Кавказ тоғ тизмаларининг Каспий денгизига

туташган ерида жойлашган эди. Иккинчиси ҳам шу ном билан аталиб, Самарқанд билан Балх ўртасида, Шахрисабдан икки кунлик масофада барпо этилган. Ана шу божхоналар марказий хазинани ҳар йили жуда катта миқдорда маблағ билан таъминлар эди.

Маълумотларга қараганда, бу маблағлар баъзи бир давлатларнинг йиллик даромадларидан қилинмас эди. Айрим йиллари эса ҳатто Амир Темур кўл остидаги барча мамлакатлардан қулрадиган ер солиғи миқдори билан тенглашарди.

Буюк ипак йўли орқали Амир Темур нафақат мудофаа, тинчлик, барқарорлик, яхши кўшнчилик ва савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантирган, балки геосиёсий мақсадларини ҳам амалга оширган. Ҳали денгиз йўллари очилмаган даврда ягона алоқа воситаси бўлиши Буюк ипак йўли халқаро майдонда катта аҳамият касб этган ва қайси давлат бу йўлда етакчилик қилса, у катта иқтисодий ва сиёсий имкониятларга эга бўлган.

Амир Темур тадбиркорларга имтиёзлар яратиш ва уларнинг фаолиятларини қаролатиш мақсадида Буюк ипак йўлидаги ҳар бир бекатга алоҳида нигоҳбонлар тайинладики, натижада қароволарнинг бир манзилдан иккинчи жойга бехатар етиб бориши таъминланди.

Соҳибқирон қарвон йўлларида қимда-қим зарар кўрса бундай ҳуқуқбузарликларга жавобгарлики шу худудларнинг ҳокими ва бошқа маъмуриларга юклиди. Зарарни амалдорлар ҳиссасидан ундириш қоидасининг жорий этилиши халқаро савдо йўлидаги ҳуқуқий қаролатишлардан бири бўлиб қолди. Агарда қимнинг моли ўғирланса шу ернинг ҳокими тўққиз баробар миқдорда жарима тўлаган, бунинг икки хиссаси мулк эгасига, етти хиссаси эса давлат фойдасига ундирилган.

Бу қонуний асослар тадбиркорларнинг қарвон йўлларида бемалол бошқа давлатларга савдо қилишлари имкон берган. Бу даврда 12000 чакирим узунлидаги Буюк ипак йўли орқали кўплаб шарқ давлатлари билан ҳар томонлама алоқалар ўрнатилди. Шунингдек, Буюк ипак йўлининг ўрта ер денгизига қижши орқали фарбий Еврoпa давлатлари билан ҳам узвий савдо-иқтисодий ва дипломатик муносабатлар изчил йўлга қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур салтанатида тадбиркорликнинг ривожланишига кўплаб омиллар таъсир кўрсатган бўлиб, улар тарихчи олимларимизнинг кейинги тадқиқотлари маззуси бўлишига ишонамиз.

Шоҳиста ЎЛЖАЕВА,  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент қимб-технология институти кафедра мудири.

## Тинчликни сақлашга чақирди

Кот-д'Ивуар президенти Алаассан Уаттара мамлакат аҳолисини тинчликни сақлашга чақирмоқда.

Ўтган йили ноябрь ойидаги президентлик сайловларидан сўнг икки муҳолиф гуруҳ вакиллари Гбабо ва Уаттара ўзларини мамлакат президенти деб эълон қилишди. Мамлакатдаги парокандаликка барҳам бериш учун Гбабо БМТни сайлов натижаларини кўздан кечиришга чақирди. Бироқ АҚШ, Франция ва бошқа бир неча давлат Уаттаранинг президентлигини тан олди. Натижада икки «давлат бошлиғи» ўртасида қуроли тўқнашув вужудга келди. Кўни кеча Уаттара миллий телевидениеда чиқиш қилиб узоқ давом этган қорли тўқнашуларга чек қўйилганини эълон қилди. «Тинчлик қарор топшишдан барча манфаатдор. Абуянча бир ҳафтадан буён давом этаётган қиргинларга чек қўйилди. Фуқаролар ўзаро ихтилофларини унуттириш лозим», деди у.



Президент саройига қамалиб олган Гбабо эса бир гуруҳ содиқ ҳарбийлари билан қуроли қаршилиқ кўрсатишда давом этмоқда.



## Хорижда Физикада янги давр

АҚШнинг Чикаго шаҳрида бир гуруҳ олимлар жисмларнинг энг кичик тебраниш тўлиқини кашф этиди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Швейцарияда «Теватрон» коллайдериде физик олим Хитгез назариясига кўра, энг кичик тебраниш тўлиқини (шартли равишда суперсимметрия деб ҳам аталади) мавжудлиги тахмин қилинган эди. Эндиликда Ферми номидаги физик тадқиқотлар маркази (Чикаго) директори Владимир Шильцев ва унинг илмий гуруҳи жуда кичкина жисмлар орасида содир бўлувчи тебраниш тўлиқинининг очилиши суперсимметрик назариянинг исботланиши бўлди, дея таъкидлашмоқда. Уларнинг фикрича, энг кичик тебраниш тўлиқини жисмларнинг 10 усти ўн олтинчи даражадаги сантиметрда содир бўлади. Ушбу тўлиқинлар ёрдамида микроскопик жисмларнинг таркибини қийинчиликсиз ўрганиш ва тортиш кучига бардоши ўта юқори тезликка ҳам эришиш мумкин. Кузатувчиларнинг таҳлилига кўра кашфиётларнинг янгилиғи ўз таъдирини топса, физика соҳасида янги давр бошланади.



## Янглиш ҳаво ҳужуми



НАТО ҳарбий ҳаво кучлари ўз иттифоқчилари бўлиши мумкинлиги ҳақида кучларни ўққа тутди.

Шимолий Атлантика альянси раҳбарияти дарҳол ҳужум янглиш содир этилганини тан олди ва Ливия муҳолифати вакилларида уэр сўради. НАТО учувчилари Марс ал Брега тумани худудидаги артиллерия ва танкларни Каддафий қўшини деб ўйлаб ўққа туттишган. Натижада қамида ўн беш киши ҳалок бўлди. Муҳолифат кучлари етакчиси Абдул Фаттоҳ Юнус НАТО кечиримини қабул қилиб, бу воқеа икки ўртадаги иттифоқга путур етказмаслигини таъкидлади. Айни пайтда Ливия давлат телевидениесида Муаммар Каддафий қўшинлари Аждабиа шаҳрини эгаллагани ҳақида хабар эълон қилинган.

## ГУП «TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

объявляет о продлении тендера на разработку проектно-сметной документации по системе управления и автоматизации ЦЗС.

Желающим предложить свои услуги просим присылать заявку на получение тендерной документации по адресу: 100167, г. Ташкент, ул. Садиқжана Талипова, 13, первому заместителю директора аэропорта Юсупову Ш.Н. В заявке нужно указать желаемый для вас способ пересылки документов (почта, факс, электронная почта) и соответствующие адреса и телефоны.

Тендер проводится с 4 по 6 мая 2011 г. Прием документов — до 3 мая 2011 г. по адресу, указанному в инструкции.

Дополнительную информацию можно получить по телефону: 8-10-99871-1402846, 8-10-99871-1402937.




E-mail: gsm.tas@uzairways.com

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари тахририяти жамоаси журналист Нуробое Шакаровага сиғиниш Шарафот МУХАММАДИЕВАНинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади. Каттакўрган туманидаги 32-мактаб жамоаси мактаб директори Зубайдулло Ҳамдамовга турмуш ўртоғи Венера РОЗИКОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

# Хусусий мулк ҳимояси йўлида

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида хусусий мулк ҳимоясига қаратилган қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Натижада тадбиркорлар ўз бизнес фаолиятини кенгайтириб, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига эгалик қилишига замин ҳозирланди.



улар белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, ҳал этилди. Ўтган йили жойларда ўтказилган назорат тадбирлари ва мурожаатлар таҳлил қилинганди 1173 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан мансабдор шахсларга 149 та тақдимнома ва 45 та кўрсатма киритилди. Бундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик учун 51 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди. 142 нафар шахс интимиқ жавобгарликка тортилди, шундан 11 нафари эғаллаб турган лавозимидан озод этилди. Шунингдек, 41 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, судга юборилди.

Тадбиркорлар манфаатини кўзлаб судларга 83 та даъво аризалари киритилиб, барчаси қаноатлантирилди. Қонун талабларига зид бўлган 73 та қарор бекор қилинди. Адлия бошқармаси ташаббуси билан жойларда туман ҳокимлиги, вилоят ҳўжалик суди, суд департаментининг ҳудудий бошқармаси, солиқ ва божхона органлари, иқтисодиёт бошқармаси, савдо-саноат палатаси, рўйхатга олувчи ва рухсат берувчи органлар, тижорат банлари, ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ва бошқа идоралар ҳамкорлигида тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари билан «Очқ эшиклар куни» тадбири ўтказиб келинмоқда. Унда адлия бошқармаси масъул ходимлари «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорда белгиланган устувор вазифалар юзасидан тушунтиришлар бермоқда. Бу ҳаракатларнинг барчаси хусусий мулк ҳимоясини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**Қаҳрамон МАШАРИПОВ,**  
Хоразм вилоят адлия бошқармаси масъул ходими.



## «Насаф» ҳозирча пешқадам

ОФК кубогининг 3-турида «Демпо» (Ҳиндистон) клуби билан бўладиган учрашувга ҳозирлик кўраётган Қаршининг «Насаф» клуби 20-миллион чемпионатида 5-тур ўйинини бошқа жамоаларга нисбатан икки кун аввал ўтказди.

Фаргонанинг «Нефтичи» клуби сафарда уйнашларига қарамай қаршиликларга қаршилик кўрсатиши кўтилганди. Амалда ҳам шундай бўлди, лекин «Насаф» футболчилари 3:0 (Илхом Юнусов, Эркин Бойдулаев, Мақсуд Каримов) ҳисобида мехмонлар устидан галаба қозонди ва ҳозирча 13 очко билан чемпионатда пешқадамлик қилишмоқда. Чемпионат 5-турининг қолган ўйинлари бугун ва эртага бўлади.

## Яшил майдон янгиликлари

Осиё чемпионлар лигаси.

«В» гуруҳи иккинчи ўйинида «Ал-Саад» (Қатар) клуби «Ал-Наср» (Саудия Арабистони) футболчиларини мағлубиятга учратди — 1:0. Шу гуруҳда қатнашаётган «Пахтакор» (Тошкент) эса 1 очко билан 4-ўринни эғаллаб турибди. «С» гуруҳида «Бунёдкор» (Тошкент) клуби ўз майдонида Эроннинг «Пирози» жамоаси билан дурранг ўйнади ва 2 очко жамгаран ҳолда тўплар нисбатига кўра иккинчи ўриндан жой олди.



Европа чемпионлар лигаси.

Чорак финал дастлабки ўйинлари. «Реал» (Испания) — «Тоттенхэм» (Англия) — 4:0, «Интер» (Италия) — «Шалке-04» (Германия) — 2:5, «Барселона» (Испания) — «Шахтёр» (Украина) — 5:1, «Челси» (Англия) — «Манчестер Юнайтед» (Англия) — 0:1. Жавоб учрашувлари 12-13 апрель кунлари бўлиб ўтади.

Европа лигаси.

Чорак финал дастлабки ўйинлари. «Порту» (Португалия) — «Спартак» (Россия) — 5:1, «Бенфика» (Португалия) — ПСВ «Эйндховен» (Голландия) — 4:1, «Вильярреал» (Испания) — «Твенте» (Голландия) — 5:1, «Динамо» (Украина) — «Брага» (Португалия) — 1:1. Жавоб учрашувлари 14 апрелда ўтказилади. (Ўз мухбиримиз)

## Мулоҳаза

# Ахборот-коммуникация соҳасида ўзбек тилининг ўрни

Ҳозирги кунда қайси соҳа вакили бўлишимиздан қатъи назар ҳаётимизни мобил алоқасиз, интернетсиз ёки компьютерсиз тасаввур қила олмаيمиз. Шундай экан, бу соҳа терминларини такомиллаштириш йўлида бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» асаридеда таъкидлаганидек: «Биз ҳодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бўлиқнинг воқислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида домий изланишимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланилиши доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атам ва иборалар, тушуноча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривоқлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шўбҳасиз». Ушбу фикрлар тилшуносликка, хусусан, ўзбек тили ахборот-коммуникация терминологиясига ҳам дахлдордир.

Мобил телефон алоқаси ҳам, Интернет ҳам ҳаётимизга яқинда кириб келган ҳодисалар

кадр, абонент-роумер, макросота, микросота, мегаота, инфокоммуникация, суперкомпьютер, гигабайт, моноканал, гиперканал, брендмауэр, диск-тўплагич, гипермедиа, мультимедиа, файл-сервер, смартфон, веб-сайт, веб-сервер (интернет-сервер).

қайиши, замонавий деб кўплаг сўз ва бошқа тил элементларини қабул қилвериб ўзбек тилининг сўз бойлиги, тил бойлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Шунинг учун ахборот-коммуникация соҳаси янги бўлишига қарамай, ўз терминларини яратиш мақсадида ҳозирги кунгача 11 та изоҳли-таржима луғати яратилганини қайд этиш зарур. Улар таржима қилинган терминлар рўйхатига қарасак, жуда кўп терминларнинг муқобиллари тўғри, аниқ топиладиган ишонч ҳосил қилиш мумкин: информатизация — ахборотлаштириш, даные — маълумотлар, совместимый — мос келувчи, средство программное — дастурий восита, получатель — олувчи, пользователь — фойдаланувчи, персонализация — шахсийлаштириш, выравниватель — тенглаштиригич, делиитель — бўлгич, оконечный усилитель — охиригич кучайтиригич, передатчик — узаткич.

терминали, онлайн хизмати, дуплеклаш, модуляцияловчи, импульсли, лазерли, зарядсизлаш, магнитланганлик, адреслаш, синхронлаштирувчи, капсули, автоматлаштирилган, сертификатлаш, кодланган. Кўшма сўз тузилишидаги терминларда ўзқалардан бири айнан олинади, иккинчиси таржима қилинади: сота ичи, яримдуплек, автоотириш, авто-созланиш, псевдодошқин, радиобабул, фаза аралаштиригич, псевдотасодифий, радиохизмат, фаза ўзгарттиригич, зона ичи, гетероутиш, ксеронусха. Айрим ҳолларда ўзақ ўзбек тилидан олинади, унинг олди-дан русча-интерналционал сўзлар қўшилиб келади. Масалан, микроўлқин, метамаълумотлар, мультидастурлаш, микродастур, гиперматн, микробейиш, мультитанлов, анти-вирус. Ахборот-коммуникация соҳасида ҳам икки, уч, тўрт ва ундан ортиқ сўзлардан тузилган бирикма шаклидаги терминлар кўпайпти. Масалан, мобилликни бошқариш, адаптив сиккиш, каналларни агрегатлаш, трафикани тикширтириш, тор полосули канал, ахборот техноло-гиялари, узатишларнинг ке-чикишли транкинги, автоматик муқобил биллинг, икки уйли шлюз, кўп слотли режим, куйи тонал частоталар полосули, ахборот-ресурслари, абонент

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV. Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'afvor HOTAMOV. Muhiddin MUHIDDINOV, Ochiiboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV.

BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Jamiatchilik bilan aloqalar, Manzilimiz: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. T - Tijorat materiallari. Soluvda erkin narxda.

## Наврўз шодиёналари

жаҳон бўйлаб давом этмоқда

Тошкентдаги Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Наврўз айёми тантаналари... Юртбошимиз табригидан сўнг байрам бадийи дастури бошланади. Бутун боғда, одамлар чехрасида баҳорий кайфият, хурсандчилик ҳукмрон...

Бу байрам лавҳалари Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонасида ўтказилган Наврўз байрамида катта экранли мониторда намоиш этилди.

Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Отабек Акбаров йиғилганлар — дипломатик корпус вакиллари, ўзбекистонлик талабаларни байрам билан табриклади.

Элчихонанинг заллари ва кўркам ховлисида Ўзбекистон нафаси уфуриб турди. Халқ амалий санъати буюмлари кўргазмасидан тортиб ўзбек дизайнерларининг миллий матоларимиз атлас ва адрасдан яратган янги коллекцияси тақдими ҳам, тўкин дастурхондаги сумалак, шарқона таом ва ширинликларга қадимий анъаналаримиз, кадритларимиз бардавомлигининг, эъзозининг бир намоишига айланди.

Байрам қатнашчиларини сўхбатга тортиди. Ўзбекистон мен учун жуда қадридон, — дейди мода ва тўкмачилик коллежи ўқитувчиси Филиппа Уоклис. — Бир неча йиллар давомида марғилонлик атлас тўкувчилар билан ишлаб ўзаро тажриба алмашганмиз. Бугунги тадбирга ҳам кўриб турганингиздек атлас кўйлақда келдим. Биласизми, атлас Европада ҳам кириб келди, унинг гули бошқа матоларга ҳам тушириляпти. Байрам дастури доирасида ташкил этилган кўргазмадан бир дунё завқ олдиқ, — деди Лондондаги туркман галереяси эгаси Умар Маъсум. — Галереямизда ўзбек халқ амалий санъати буюмлари билан ҳам савдо қиламиз. Бугунги байрам қувончига шерик бўлаётганимиздан жуда мамнуним.

Элчихонада уюштириладиган бундай байрамлардан сўнг Ватандан, анъаналаримиздан фахрланиш туйғуси янада кучайганини ҳис қиламан, — дейди қизи билан байрамга келган Малика Зоирова. Ўзбекона лутф билан давом этган байрамда ўзбек миллий мусиқаси инглиз фольклори билан навбат алмашиб турди, иштирокчиларга баҳорий кайфият улашди. Наврўз айёми удумлари, анъаналари эса катта-кичик давраларда, хонадонларда давом этаверади.

Шарофат ЙЎЛДШЕВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири, Буюк Британия, Лондон.

OB-XABO	09-10.04. 2011	
	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	20°C	22°C
Самарқанд	20°C	25°C
Нукус	20°C	25°C
Қарши	21°C	26°C
Урганч	20°C	25°C
Навоий	20°C	25°C
Фарғона	20°C	25°C
Бухоро	20°C	25°C
Анджидон	20°C	25°C
Наманган	20°C	25°C
Термиз	21°C	26°C
Жиззах	20°C	25°C
Гулистон	20°C	25°C
Тошкент вил.	20°C	25°C
Лондон	8°C	10°C
Париж	10°C	11°C
Москва	3°C	2°C
Мадрид	15°C	12°C
Пекин	9°C	5°C
Гонконг	19°C	20°C
Рим	11°C	10°C
Анкара	5°C	7°C
Токио	14°C	11°C
Стокгольм	3°C	1°C
Кейптаун	17°C	17°C
Қоҳра	10°C	10°C
Гавана	21°C	22°C
Вашингтон	8°C	8°C